# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 39 (7429). 26 февраль, 1981 йил ◆ ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди 24 февраль куни Москвада, Кремлнинг съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ раислик қилди.

Музокараларда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. АЛИЕВ, КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. ХРИСТОРАДНОВ, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. ГРИШКЯВИЧУС, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган Чехословакия Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав ГУСАК, Венгрия Социалистик Ишчи Партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош КАДАР, Болгария Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор ЖИВКОВ, Франция Коммунистик Партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Гастон ПЛИССОНЬЕ, Руминия Коммунистик Партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг президенти Николае ЧАУШЕСКУ ўртоқлар съездни табрикладилар.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди 25 февраль куни Москвада, Кремлнинг съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ раислик қилди.

Съезд мандат комиссиясининг съездга докладини тинглади. Мандат комиссиясининг Раиси ўртоқ И. В. КАПИТОНОВ доклад қилди. Съезд мандат комиссиясининг докладини бир овоздан тасдиқлади.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисидаги докладни ва Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилишда СССР Фанлар Академиясининг президенти А. П. АЛЕКСАНДРОВ, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари С. Ф. МЕДУНОВ, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Б. Н. ЕЛЬЦИН, Киров областининг Котельнич районидаги «Путь Ленина» колхозининг раиси А. Д. ЧЕРВЯКОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Съездни делегатлар ва меҳмонлар самимий кутиб олган Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри КЕЙСОН ФОМВИХАН, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси ЮМЖАГИЙН ЦЕДЕНБАЛ, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси Президиумининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий кенгашининг Бош министри ЛИ ДЕН ОК ўртоқлар табрикладилар.

Сўнгра музокараларда Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. ВОСС, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. МАРКОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Эрталабки мажлисда съездни делегатлар ва меҳмонлар қизғин кутиб олган Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг секретари ДУШАН ДРАГОСАВАЦ, Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари АЛВАРО ҚУНЬЯЛ ўртоқлар табрикладилар.

## БУНЁДКОРЛАРНИНГ КОМИЛ ИШОНЧИ

Шу кунларда ҳамманинг диққат эътибори Москвага, Кремлнинг Съездлар саройига қаратилган. Бу ерда ишлаб турган Ленин партиясининг XXVI съезди совет кишиларини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашларини, бутун тараққийпарвар инсониятни ғоят қизиқтирди ва улар бу ҳақда ўзларининг қизғин фикрларини билдирмоқдалар. Реал социализмнинг ажойиб ютуқлари билан, унинг ер юзи халқлари учун жозибадор намунаси билан, дунёдаги кучайиб бораётган таъсири билан ҳисоблашишга мажбур бўлган коммунизм ғанимлари ҳам партиямизнинг олий анжумани минбаридан айтилаётган гапларни диққат билан тингламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кун тартибидаги асосий модда юзасидан — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида доклад қилди. Унинг доклади ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ҳужжати, илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган янги салмоқли ҳиссадир. Докладда партиямизнинг аввалги съезди қарорларини турмушга татбиқ этиш соҳасидаги кўп қиррали фаолияти яққол ёритиб берилди, совет халқининг кейинги ўн йилдаги ажойиб зафарлари кўрсатилди ,ҳозирги халқаро аҳвол ва жаҳон революцион жараёни ҳар томонлама таҳлил этилди, СССРнинг коммунистик бунёдкорлик йўлидан олға силжиши, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашнинг илҳомбахш истиқболлари очиб берилди.

«Дарҳақиқат, совет кишилари эртанги кунга ишонч билан қарамоқдалар,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Лекин уларнинг оптимизми тақдир бизни эркалатаверади, деган ишончни билдирмайди. Бизнинг халқимиз ўзи эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўз меҳнати билан яратилганини, ўз қони билан ҳимоя қилинганини билади. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз меҳнатнинг кучқудратига ишонамиз. Бунинг боиси шуки, биз ўз мамлакатимизга, ўз халқимизга ишонамиз. Оптимистик эканлигимизнинг боиси шуки, биз ўз партиямизга ишонамиз, партия кўрсатиб берган йўл бирдан-бир тўғри йўл эканини биламиз!».

Мамлакатнинг иқтисодий қудрати коммунистик қурилишда бундан буёнги тараққиётнинг гаровидир. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботидан партиянинг бутун иш самарадорлиги ва сифатини муттасил юксалтиришга, экономикани халқ фаровонлигини оширишнинг хилма-хил вазифалари сари янада теранроқ буриб юборишга қаратилган иқтисодий стратегияси изчиллик билан амалга оширилаётгани айтиб ўтилган. 70-йилларда коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёд этишнинг ҳамма соҳаларида жуда катта иш қилинди, совет кишиларнинг зарбдор меҳнати туфайли ватанимиз кучлироқ ва кўркамроқ бўлиб қолди. Ўнинчи беш йилликда советлар мамлакатининг миллий бойлиги анча кўпайди, унинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциали ўсди, мудофаа қудрати мустаҳкамланди, халқ фаровонлиги ва маданияти савияси ошди. Бироқ, партия ҳаққоний ифтихор туйғуларини уйғотувчи катта ютуқлар билан бирга қийинчиликларни, камчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни ҳам кўриб турибди. Экономикани ўстиришга ҳалақит бераётган тўсиқларни орттирилган тажрибага таяниб, қатъият билан бартараф этиш зарур.

Партия келгусидаги — ўн биринчи беш йилликка ва умуман 80-йилларнинг вазифаларини белгилар экан, ўз иқтисодий сиёсатининг давомийлигини таъминлайди. Бунда у мамлакатнинг катта имкониятлари ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини, ҳозирги шароитда хўжаликнинг ривожини мураккаблаштираётган омилларни эътиборга олади. Халқ хўжалигини муттасил олға ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва экономикани интенсивлаш йўлига ўтказиш, СССРнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар тарафлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада ўстириш — эндигина бошланган беш йилликнинг бош вазифаси деб таърифланмоқда. Бу вазифани ҳал қилиш учун халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш даражасини, омманинг ижодий ташаббуси ва ғайратини янада баланд кўтариш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш лозим.

Коммунистик партия: ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун, деган доимий талабни иқтисодий тараққиётнинг диққат марказига қўймоқда. У келгуси беш йилликда совет кишиларининг фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини ўртага қўймоқда, бу программа истеъмол соҳасини ва уй-жойни, маданиятни ва дам олишни, меҳнат ва турмуш шароитини ўз ичига олади. Аҳолини озиқ-овқат билан, шунингдек оммавий равишда талаб қилинадиган саноат моллари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу билан бирга, деб уқтирилади Ҳисобот докладида, етук социализм шароитида экономиканинг жамият социал-сиёсий ва маънавий тараққиёти билан ўзаро алоқаси тобора мустаҳкамланиб бораверади. Партия мана шу нуқтаи назардан СССРнинг янги Конституцияси асосида жамиятимиз социал-синфий ва миллий структурасини ривожлантириш, янги инсонни камол топтириш, совет давлатчилигини ва демократияни такомиллаштириш вазифаларини белгиламоқда.

КПССнинг халқаро сиёсати, унинг тинчликни мустаҳкамлаш, янги уруш хавфини тугатиш, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш йўлидаги саботли кураши олдимизда турган бунёдкорлик вазифаларини ҳал қилиш учун зарур ташқи шароитларни таъминлаш муддаосини кўзлайди. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботида Совет Иттифоқининг қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг, уларнинг маҳкам ўзаро алоқаларининг хилма-хил формалари кўрсатиб берилган. Партиямиз СССРнинг озодликка эришган мамлакатлар билан алоқаларини ривожлантириш, жаҳон социализми билан миллий-демократик ҳаракатнинг иттифоқини мустаҳкамлаш йўлини қатъият билан ўтказмоқда. У халқаро ишчилар синфи ва унинг сиёсий авангарди — коммунистик ва ишчи партиялар билан ҳамкорликни муттасил мустаҳкамламоқда.

Совет Иттифоқи капиталистик давлатлар билан муносабатларда ленинча тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш сиёсатига содиқдир. Ўз иттифоқчилари билан биргаликда СССР эндиликда ер юзидаги тинчликнинг ҳар қачонгидан ҳам кўра асосий таянчидир. Тинчликни ҳимоя қилиш, ядро уруши ёнғини чиқишига йўл қўймаслик, жуда хатарли бўлган бемаъниларча қуролланиш пойгасини жиловлаш тўғрисидаги оташин даъват КПСС XXVI съезди минбаридан яна янгради. Бу даъват халқаро вазиятни тубдан яхшилашга қаратилган конкрет таклифлар билан мустаҳкамланди. Бу ташаббуслар партиямиз тинчлик Программасининг ҳозирги замондаги энг ўткир, актуал проблемаларга татбиқан узвий равишда давом эттирилиши ва ривожлантирилишига хизмат қилади.

КПСС ҳозир совет жамияти шитобли ҳаракатининг бош йўлини очар экан, амалда ўзининг раҳбарлик ролини бажармоқда, йигирманчи асрнинг охирларида, йигирма биринчи аср бўсағасида Ватан тақдири учун юксак масъулият туйғусини намоён этмоқда. У ўз сафларининг юксак жанговарлик қобилияти, бутун ички партиявий турмушни активлаштириш, партия раҳбарлиги методларини такомиллаштириш, омма орасидаги идеология, сиёсий тарбия ишини кучайтириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда. Партиямиз воқеликни эътибор билан идрок этиб, ижтимоий турмушнинг янги ҳодисаларини умумлаштириб, шу тариқа марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантирмоқда.

Ҳисобот докладининг қоидалари ва хулосалари партия съезди делегатларининг нутқларида якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Миллион-миллион коммунистлар, барча совет кишилари бу қоида ва хулосаларни астойдил маъқуллаб кутиб олмоқдалар. Улар митинг ва йиғилишларда, меҳнат рапортларида, телеграмма ва хатларида КПСС Марказий Комитетига, атоқли сиёсат ва давлат арбоби, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва коммунизм учун оташин курашчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросига социалистик Ватаннинг равнақи тўғрисидаги, халқ фаровонлиги ва бахт-саодати ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун чексиз ишонч ва чуқур миннатдорчилик изҳор этмоқдалар, план топшириқлари ва мажбуриятларини бажариб бўлганликларини маълум қилмоқдалар. XXVI съезднинг бутун иши — партиямиз билан совет халқи метиндек бирлигининг яққол намойишидир.

Съездда қулф ураётган бениҳоя зўр завқ-шавқ вазиятида чет эллик меҳмонлар, қардош партияларнинг раҳбарлари сўзга чиқмоқдалар. Уларнинг нутқларида, шунингдек турли мамлакатларда билдирилаётган кўпдан кўп фикр-мулоҳазаларда совет халқининг улуғвор зафарлари, КПССнинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатидаги, жаҳон социализмининг мавқеини мустаҳкамлаш учун, мустаҳкам тинчлик, кескинликни юмшатиш, халқларнинг ҳамкорлиги ва хавфсизлиги учун курашдаги буюк роли эътироф қилинмоқда. Ер куррасининг барча қитъаларида холис ният кишиларнинг чуқур ҳурматини қозонган ва юксак обрў-эътиборга сазовор бўлган партиямиз билан давлатимиз бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежневнинг толмас фаолияти таъкидлаб ўтилмоқда.

Бизнинг мақсадимиз — коммунизм. Ленин партияси бизни шу мақсадга бирдан-бир тўғри йўлдан—бунёдкорлик йўлидан олға бошлаб бормоқда.

(«ПРАВДА» газетасининг 25 февралдаги бош мақоласи).

## ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛИГИДА ЛЕНИН ЙЎЛИ ДАН

### 24 ФЕВРАЛЬ КЕЧҚУРУНГИ МАЖЛИС

КПСС XXVI съезди партиянинг ленинча бош йўли муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлигининг яққол далили бўлди. Партиянинг олий анжумани совет халқи тарихий зафарларини якунлаш билан айни бир вақтда мамлакатимиз бундан буёнги йилларда ривожланиш йўлини белгилаб бермоқда.

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан берган Ҳисоботини ғоят қизиқиб қизғин муҳокама этмоқдалар. Чуқур далиллар келтирилган мана шу муҳим ҳужжатда Ленин партиясининг кўп қиррали фаолияти, коммунизм бинокорлари—совет кишилари фидокорона меҳнатининг кенг манзараси намоён бўлмоқда, ҳозирги дунёдаги ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинган.

Совет Иттифоқи, социализм мамлакатлари Ер юзида тинчликнинг бош таянчи бўлиб қолдилар. Шу кунларда Кремлдан совет коммунистларининг, уларнинг чет эллардаги синфдош, революцион курашдош қардошларининг: дўстликни ва халқаро ишларни мустаҳкамлайлик, урушнинг йўлини тўсайлик, деган даъвати бутун жаҳонга ёйилмоқда.

Кечқурунги мажлисда раислик қилувчи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси **Н. А. Тихонов**, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Г. А. Алиевга** сўз беради.

(Давоми 3-бетда).

## КЎП НУСХАДА

Сиёсий адабиёт нашриёти «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 1981 йил 23 февралда Кремлнинг Съездлар саройида қилган докладни алоҳида китобча этиб чиқарди.

Китобча «Красний пролетарий» босмахонасида кўп нусхада нашр этилди.

(ТАСС).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўнинчи беш йиллик топшириқларининг бажарилишини таъминлашга моҳирлик билан раҳбарлик қилганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Узколхозстрой» бирлашмасига қарашли «Ташоблколхозстрой» трестининг 98-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи ўртоқ Абдуваҳоб **Ергашбоевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

## В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИГА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, КПСС XXVI съезди президиумининг бошқа аъзолари, КПСС ўлка ва область комитетларининг биринчи секретарлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, жаҳон коммунистик ҳаракатининг доҳийси, жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори — В. И. Ленин мавзолейини 25 февраль куни зиёрат қилдилар ва гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбарнинг алвон лентасида: «Владимир Ильич Ленинга КПСС XXVI съезди делегатларидан» деб ёзилган.

(ТАСС).



МОСКВА. Қизил майдон. 1981 йил 25 февраль. В. И. Ленин мавзолейига гулчамбар қўйиш пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

## КОММУНИСТНИНГ АСОСИЙ ҲУЖЖАТИ

Сиёсий адабиёт нашриёти коммунистнинг асосий ҳужжати тўғрисида «Партия билети ҳақида сўз» деб аталган китобни босмадан чиқарди.

Бу Ватаннинг ўз тақдирини Ленин партияси билан боғлаган кишилари тўғрисида, ягона имтиёз ва битта ҳуқуқ—ҳамиша олдинги сафда, энг қийин жойда бўлиш ҳуқуқига эга бўлган энг яхши фарзандлари ҳақидаги китобдир.

Тарихий очерклар, партия ветеранлари, меҳнат қаҳрамонларининг хотиралари, бадиий проза, совет шоирлари шеърларидан иборат бу тўплам жасорат ва қаҳрамонлик ҳақида, коммунист деган юксак номга эга бўлган кишиларнинг эътиқод кучи тўғрисида, ўз партия билетини революция байроғи каби ушлаб бораётган кишилар ҳақида ҳикоя қилади.

(ТАСС мухбири).

## ЖАНГОВАР ВАЗИФАМИЗ

Барча совет кишилари қатори совхозимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съезди ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўрганаётирлар. Бизда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган чуқур мазмунли ва ёрқин доклади, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Жонажон Коммунистик партиямизнинг совет халқи турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида қилаётган беқиёс ғамхўрликлари Ҳисобот докладида батафсил акс эттирилган. Леонид Ильич ўн биринчи беш йилликда чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, гўшт етиштиришни кескин кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бу кўрсатмани чорвадорларимиз ўзлари учун жанговар вазифа деб қабул қилдилар. Улар ўн биринчи беш йилликда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни икки баравар кўпайтиришга қарор қилганлар. Бунинг учун чорва моллари бош сони кўпайтирилади, озуқа базаси мустаҳкамланади. Чорва маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор берамиз. Шу йилнинг ўзида гўштга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазнини 500 килограммга етказишни мўлжалламоқдамиз. Бунинг учун қорамоллар жадал семиртириляпти.

М. ИСМОИЛОВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхози директорининг ўринбосари.

